

Ахборот коммуникациялари шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда одамларга ишончли маълумотларни ўз вақтида, тўғри етказиш жуда муҳим.
Касаба уюшмаларида бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам, салоҳият ҳам етарли.
Энг катта аудиторияга эга бўлган касаба уюшмалари ҳалол ва фидоий меҳнатни тарғиб қилиш ҳамда меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлашга оид ахборотларни жамоатчиликка биринчилардан бўлиб етказиб бориши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
4-aprel,
shanba
№40
(5260)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



«КАСАБА УЮШМАЛАРИ НАШРЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА:
КОНВЕРГЕНЦИЯ САРИ ЙЎЛ» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
Тошкент - 2026 й.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ НАШРЛАРИНИНГ ОВОЗИ ЯНАДА ТЕРАН, СЎЗИ ЯНАДА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Пойтахтимизда «Касаба уюшмалари нашрлари трансформация шароитида:
конвергенция сари йўл» мавзусидаги халқаро илмий-амалий
конференция бўлиб ўтди

ЧИНАКАМ ХАЛҚ МИНБАРИГА АЙЛАНДИ

**Шерзод
АСАДОВ,**
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
матбуот
қотиби:



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini nafoqat kasaba uyushmalari tizimi, balki yurtimizda kechayotgan islohotlar jarahatini keng va atroflacha e'ritishda jonbozlik kursatib kelayotgan etakchi nashrlardan biri.

Inson kadri e'zozlangan va farovon ha'et, mustaqil, demokratik jamiyat barpo etish i'ulidagi sa'y-harakatlarini o'z sahilalariga muhlab kelayotgan ushu nuфуzli ijtimoiy-siёсий nashr jamoaninг fidokorona mehnati, iste'dod va mahorati natijasida chinakam xalq minbariga aylanib, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev rahbarliklarida inson kadri ustuvor bulgan ijtimoiy davlat - Yangi O'zbekiston buned etishga qaratilgan strategik i'ulimizning mazmun-mohiyati va ahamiyatini, ortga qaytmis islohotlarimiz natijalarini xalqimiz va dunё jamoatchiligiga xolis va haqqoniy etkazishda alohida jonbozlik kursatib kelmoqda.

Ayniqsa, gazeta sahifalarida mehnatkashlarning daradi va tavshishi, odamlarning huquq va manfaatlarini ta'minlashga qaratilgan dolzarb masalalar izchil va ta'sirchan e'ritib kelayotgani ta'hsiniga sazovoridir.

Bir suz bilan aytganda, ta'hsiriyatning za'hamatkash ijodiy va texnik hodimlari, mualliflar jamoasi jahon aхborot maydonida raqobat kuchayib, raqamli va sun'iy intellekt texnologiyalari ha'etimizga jadal kirib kelayotgan hozirgi shiddatli davrda milliy jurnalistikamiz oldidagi dolzarb vazifalarni ado etishda nihoyatda shijoat va ilhom bilan mehnat qilmoqda.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОСИ ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВНИНГ «КАСАБА УЮШМАЛАРИ НАШРЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА: КОНВЕРГЕНЦИЯ САРИ ЙЎЛ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

>> 2

ЗАМОНАВИЙ МУЛЬТИМЕДИА ПЛАТФОРМАСИ САРИ



**Абдурашид
ЖЎРАБОВЕВ,**
Ўзбекистон
Миллий
телерадиокомпанияси
раиси:

- Gazeta transformatsiya jarayonlarida faol ishtirok etib, an'anaviy bosma nashrdan zamonaviy multimedia platformasiga muvaffaqiyatli o'tib borilmoqda. Bu esa ta'hsiriyat faoliyati samaradorligini oshirish, auditoriya qamrovini kengaytirish va aхborot sifatini yuksaltirishga xizmat qilmoqda. Ayniqsa, sўnggi vaqtlarda ijodiy jamoa tomonidan mehnat huquqlari, bandlik va ijtimoiy ximosa masalalariga bag'ishlangan taхdiliy materiallarning kўpайгани u'kvuchilar e'tyiborini jalb etmoqda.

Qisqa qilib aytganda, gazeta bugun nafoqat aхborot tarqatuvchi, balki mehnat munosabatlarida yuzaga kelayotgan muammolarni hal etishga ta'sir kursatuvchi jamoatchilik nazoratining samarali institutiga aylanib borilmoqda. Ishonchim komil, anjuman doirasidagi muhoкамalar, ilmiy ma'ruzalар va amaliy ta'hsiriyat kasaba uyushmalari nashrlarining faoliyatini yanada takomillastirish, ularning jamiyatdagi u'рни va ta'sirini kuchaytirishga xizmat qiladi.

БУ ШУНЧАКИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТ ЭМАС



Акмал САЙДОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Инсон
huquqlari b'uyicha
Миллий маркази
direktori, akademik:

- U'ylab qarasaк, bugungi yutuqlar ortida u'trimishdagi fidoiy insonlar, ilk muassislar va jadid ma'rifatparvarlar mehnati muhassas. Aynan ular - millatni u'ygotgan, jamiyatni taraqqiyotga etaklagan, matbuot orqali xalq ongini yuksaltirishga xizmat qilgan shaxslar edi.

Kasaba uyushmalari matbuoti nafoqat u'timishni, balki bugunni va kelajakni ham ifoda etayotgan kuchli maydonga aylandi. Yangi goylar, yangi endashvlar, yangi yutuqlar bularning barчаси машақqatli mehnatning samarasidir.

Demak, bugun jamoa davom etayotgan i'ul bu shunchaki kasbiy faoliyat emas, balki tarixiy meros, ma'rifiy an'ananing uzviy davomidir. Shu nuқта nazardan qaraganda, men bugungi jurnalistlarni, matbuot vakillarini zamonaviy jadidlari, Yangi O'zbekistonning uchunchi Renessansini barpo etayotgan fidoiy insonlar deb baхolagan bulardim. Chunki ular qilayotgan ish nihoyatda muhim, jamiyat taraqqiyoti uchun zarur va kelajakni belgilab beradigan faoliyatdir.

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ҲАМ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА

**Абдусанд
КўЧИМОВ,**
Ўзбекистон
Миллий ахборот
агентлиги бош
direktori:



- Bugun «Ishonch» nafoqat mamlakatimizda, balki xalqaro maydonда ham u'z u'rniga ega bulib borayotgan, turli soхalar uchun ishonchli manba va tayanча aylanayotgan nashrlar kategoriga k'ushilmoqda.

Shu u'rinda bir muhim jihati alohida ta'hsildash joiz: qayси mamlakatda rahbariyat muayin soхага jiddiy e'tyibor qaratadigan bulsa, u'ша soха, albatта, taraqqiyot etadi. Худди шу каби хар қандай ташкилотнинг муваффақияти унинг раҳбари ва муассисларининг e'ndashuviga bevosита bog'liқ. Tabiiyki, mazkur gazetaning bugungi darajaga etishida u'ninг muassis bulgan O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining u'рни va хissasi bekiёs. Ta'hsiriyatni ham iqtisodiy, ham ijodiy jihatdan izchil k'ullab-quvvatlayotgani s'zimiz isbotidir. Ayniqsa, Federatsiya tomonidan nafoqat ushu nashr, balki bosqa k'uplab gazetalarни ham k'ullab-quvvatlash, jumladan, kam ta'minlangan oilalar, qariyalar va bolalar muassasalarga u'z хissobidan obuna tashkil etilayotgani alohida e'tyirofga loyiқ.

Jamoani ushu kutlug sana - 35 yillik jubiley bilan samimiy tabriklayman. Albatта, 35 yil - bu katта i'ulning faqat bir bosqichi, holos. «Ishonch» oldida хali ulkan vazifalar, yangi marralar turibdi. Ishonchim komil, ta'hsiriyat bundan кейин ham yuksak ijodiy yutuqlarga e'rishib, u'z nomi va ma'komiga munosib faoliyat yuritishda davom etadi.



Донишмандлик бизга ҳаёт сўқмоқларида улуг саодатни
ҳозирлаб инъом этувчи воситадир.

Абу Али ибн Сино

МАҚОЛАЛАРИ МАЗМУНЛИ, ТАҲЛИЛИЙ ВА ДОЛЗАРБ



Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис
Сенатининг Фан,
таълим ва
соғлиқни сақлаш
масалалари
қўмитаси раиси:

– Конференциянинг бир муҳим жиҳатини алоҳида таъкидлаш жоиз: бу ерда соҳанинг етакчи мутахассислари, ўз йўналишининг билимдон олимлари жам бўлишган. Бундай мулоқот майдонида фикр алмашиш, турли қараш ва ёндашувларни муҳокама қилиш, шубҳасиз, соҳанинг янада ривожланишига, билим ва тажрибанинг бойишига хизмат қилади.

Айтиш жоизки, мазкур нашр бугунги кунда долзарб мавзуларни ёритиш, жамият ҳаётидаги муҳим жараёнларни чуқур таҳлил қилиш орқали ўқувчилар эътиборини қозониб келмоқда. Газета юртимиз тарихи, бугунги ислохотлар ва ижтимоий ҳаётда кечаётган ўзгаришларни кенг жамоатчиликка етказишда муносиб ҳисса қўшмоқда. Айниқса, мақолалар мазмундор, таҳлилийлиги ва долзарблиги «Ishonch»ни ўқувчилар учун сеvimли ва ишончли манбага айлантирганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда газета жамоасини, унинг фидойи ижодкорларини самимий табриклайман. Аввало, таҳририят раҳбариятига «Ishonch»ни самарали йўлга қўйиб, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани учун миннатдорчилик билдираман. Чунки уларнинг меҳнати орқали газета халқ қалбига йўл топди, ўқувчилар учун қизиқарли ва мазмунли ахборот манбаига айланди.

Ишончим комил, нашр келгусида ўз нуфузини янада мустаҳкамлаб, янги ютуқларга эришишда давом этади.

ҲОЗИРГИ ЎҚУВЧИ ФАОЛ ВА МУЛОҚОТГА ОЧИҚ



Гулрух АГЗАМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасининг
Демократик
институтлар ва
фуқаролик жамиятини
ривожлантириш
масалалари қўмитаси
раиси:

– Газеталар рақамли трансформация шароитида ўзининг таҳлилий моҳиятини сақлаб қолиши ва янада кучайтириши зарур. Аввало, улар тезкор ахборот тарқатувчи онлайн платформалардан фарқи равишда чуқур таҳлил, ҳуқуқий ва ижтимоий шарҳлар, эксперт фикрларига таянган ҳолда ўз ўрнини мустаҳкамлаши лозим. Шу билан бирга, рақамли конвергенцияни тўлиқ жорий этиш – давр талаби. Веб-сайт ва мобил иловаларни ривожлантириш, Telegram, YouTube, Instagram каби платформаларда фаол иштирок этиш, турли форматларда контент тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги ўқувчи фаол ва мулоқотга очик. Шу боис аудитория билан интерактив алоқани кучайтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, сўровномалар, жонли эфирлар ва очик мулоқот майдонларини ташкил этиш долзарб вазифадир.

ТРАНСФОРМАЦИЯ – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ



Шухрат ОРИФ,
Ўзбекистон
журналистлар
уюшмаси
раиси в.б.:

– Касаба уюшмалари нашрлари трансформацияси ва медиа конвергенцияси масалаларига бағишланган бугунги халқаро илмий-амалий конференция мухтарам Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган очиклик сиёсатининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган очиклик ва рақамли трансформация сиёсати касаба уюшмалари нашри учун ҳам янги имкониятлар эшигини очди. Бундан самарали фойдаланиш эса замонавий ёндашув, инновацион фикрлаш ва самарали ҳамкорликни талаб этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигидаги «Ishonch» газетасининг конвергенция жараёнидаги фаол иштироки бу йўналишдаги мақтовга арзигulik қадамлардан биридир. Мазкур тажриба миллий медиа маконимизнинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЯНАДА ТЕРАН, СЎЗИ ЯНАДА

Пойтахтимизда «Касаба уюшмалари конвергенция сари йўл» мавзусидаги халқаро

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқовнинг «Касаба уюшмалари нашрлари трансформация шароитида: конвергенция сари йўл» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциядаги табрик сўзи

Ассалому алайкум!
Хурматли анжуман иштирокчилари!

Қадрли меҳмонлар!
Мухтарам фахрийлар, журналистлар, медиа соҳаси вакиллари, олимлар ва ҳамкорлар!

Аввало, барчангизни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигида чоп этилаётган «Ishonch» газетаси ташкил топганининг 35 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган халқаро илмий-амалий конференциямиз билан чин қалбимдан кутлайман.

Барчангизни шу нуфузли анжуманда кўриб турганимдан бағоят мамнунман.

Бугун мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида сўз ва ахборот эркинлиги, очиклик, жамоатчилик билан мулоқот, инсон қадрини улуғлаш каби тамойиллар ҳаётимизнинг муҳим мезонига айланиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларига муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришлар, табиийки, матбуот зиммасига нафақат кенг имконият, балки янада катта масъулият ҳам юклайди.

Бугунги анжуманни юртимизда кечаётган ана шундай ҳаётбахш янгиланишларнинг мангикий давоми, десак, асло муболага бўлмайди.

Айни пайтда мухтарам Президентимизнинг 2025 йил 17 октябрь кунини Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувда билдирган куйидаги фикрлари биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади:

«Ахборот коммуникациялари шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда одамларга ишончли маълумотларни ўз вақтида, тўғри етказиш жуда муҳим.»

Касаба уюшмаларида бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Энг катта аудиторияга эга бўлган касаба уюшмалари ҳалол ва фидойи меҳнатни тарғиб қилиш ҳамда меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлашга оид ахборотларни жамоатчиликка биринчилардан бўлиб етказиб бориши керак.»

Бу фикрлар касаба уюшмалари тизими олдида жуда аниқ ва долзарб вазифаларни қўяди. Яъни биз фақат меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган тузилма эмасмиз. Биз ишончли сўз, ҳаққоний муносабат ва жамоатчилик олдидаги масъулиятни ҳам зиммамизга олган тизиммиз.

Айниқса, бугунги тадбирда мамлакатимиз ахборот, медиа, жамоатчилик ва давлат бошқаруви соҳасида юксак обрў-эътиборга эга нуфузли меҳмонлар иштирок этаётгани барчамиз учун қувонарлидир. Чунки бугунги мулоқот матбуот, рақамли технологиялар, инсон ҳуқуқлари, адабиёт, парламент ва фуқаролик жамиятини ўзаро боғлайдиган муҳим масалаларни қамраб олмоқда.

Қозғоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Озарбайжон ва Туркиядан ташир буюрган меҳмонларимизни ҳам самимий кутлайман. Уларнинг иштироки туфайли бу анжуман оддий юбилей тадбири доирасидан чиқиб, таж-



риба алмашиш, фикрларни уйғунлаштириш ва касаба уюшмалари нашрларининг келажаги ҳақида биргалликда ўйлаш майдонига айланмоқда. Бу, албатта, жуда муҳим.

Хурматли иштирокчилар!

Бугунги анжуман нафақат «Ishonch» газетаси таҳририяти, балки бугун касаба уюшмалари ҳаракати, миллий матбуотимиз ва жамоатчилик фикри тараққиёти учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга воқеалиқдир. Чунки биз бугун оддий бир санани нишонлаётганимиз йўқ. Биз ишончли, сўз масъулиятини, фидоқорона меҳнатни ва жамоатчилик олдидаги бурчини улуғлаётимиз.

Маълумки, «Ishonch» газетасининг илк сони 1991 йил 21 март кунини нашр этилган. Шу вақтдан буён унинг 5 минг 500 дан ортик сони муштарийлар қўлига етиб борди. Бу рақамлар ортида узок йиллик меҳнат, таҳририят тажрибаси, турли авлод журналистларининг изланишлари ва энг муҳими, ўқувчилар ишончи мужассам.

Бугун «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» нашрлари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини ёритиб келаётган, меҳнат аҳли ҳаёти, унинг ҳуқуқ ва манфаатларига доир мавзуларни мунтазам кўтариб чиқаётган нашрлар сифатида эътироф этилмоқда.

Газеталарнинг умумий адади 37 минг 500 нусхага етгани, ижтимоий тармоқлардаги жами аудиторияси эса 250 мингга яқинлашгани уларнинг ўз ўқувчиси, ўз қузатувчиси, ўз таъсир доираси борлигини кўрсатади. Шу билан бирга, бу ҳолат таҳририят зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Сўнгги йилларда таҳририят фаолиятида қатор янгиланишлар кўзга ташланипти. Таҳририят негизда медиамарказ ташкил этилди, ижтимоий тармоқларда саҳифалар ишга туширилди, газетанинг босма шаклини худудларда чоп этиш ва тезкор тарқатиш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, ҳар йили газета саҳифаларида эълон қилинган энг сара мақолалар асосида китоблар нашр этиш

анъанаси ҳам шаклланди.

Лекин очик айтиш керак – таҳририятдаги конвергенция жараёни ҳали тўлиқ шаклланиб бўлганича йўқ. У эндигина тизимли тус оляпти. Бугунги анжуманнинг аҳамияти ҳам айнан шунда – у бизга мавжуд ҳолатни холис баҳолаш, камчилик ва эҳтиёжларни аниқ кўриш, келгуси қадамларни белгилаб олиш имконини беради.

Мухтарам иштирокчилар!

Касаба уюшмалари – бу, энг аввало, инсон манфаати дегани. Шу маънода, касаба уюшмалари нашрлари ҳам доимо инсон қадрини, меҳнат ҳуқуқини, ижтимоий ҳимоя, адолат ва ҳамжихатлик каби эзгу тамойилларга хизмат қилиши лозим.

Шундай экан, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини фақат ахборот тарқатувчи нашр десак, камлик қилади. Улар – меҳнатқаш инсоннинг дарди, ҳуқуқини, орзу-интилиши ва жамиятдаги ўрнини ифода этишга интилиб келаётган минбардир.

Бугунги халқаро илмий-амалий конференциямиз ҳам бежиз «Касаба уюшмалари нашрлари трансформация шароитида: конвергенция сари йўл» деб номланмаган. Зеро, замон ўзгармоқда, аудитория ўзгармоқда, ахборот истеъмолчи шакллари тез суръатларда янгиланмоқда.

Энди газета фақат қоғозда чиқадиган нашр эмас. У сайт, видео, Telegram, YouTube, Instagram, фото ва видеоконтент, тезкор рақамли мулоқот имкониятлари билан уйғунлашган яхлит медиа муҳитининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги анжуман тажриба алмашиш, фикрлашиш, ҳамкорликни кучайтириш ва келгуси вазифаларни белгилаб олиш учун муҳим мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Биз Марказий Осиё давлатлари, Туркия ва Озарбайжондан ташир буюрган ҳамкорларимиз иштирокчинини ана шу жиҳатдан юксак қадрлаймиз. Ишонамизки, бу мулоқот касаба уюшмалари нашрлари ўртасида тажриба ва ёндашувларни ўзаро бойитишга, медиа соҳа-

сидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қадрли дўстлар!

Ҳар қандай натижа ортида инсон меҳнати туради. Шу маънода, бугунги байрам – аввало, ушбу газеталарнинг шаклланиши ва бугунги фаолиятига ҳисса қўшган фахрийлар, муҳаррирлар, мухбирлар, таржимонлар, дизайнерлар, техник ходимлар ва барча ижодкорлар байраминдир.

Биз жамиятимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни шунчаки ёритмай, уларнинг мазмун-моҳиятини очишга интилган, одамлар қалбига йўл топган, меҳнат аҳлининг овозини жамоатчиликка етказишга ҳаракат қилган барча фидойи қалам аҳлига чуқур миннатдорлик билдираман.

Ана шу хизматларни муносиб қадрлаш мақсадида бугун таҳририят ходимлари, фахрийлар ва соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган бир қатор инсонлар тақдирланади. Бу – эътироф рамзи. Бу – меҳнатга ҳурмат ифодаси. Бу – фидойилик ҳеч қачон эътиборсиз қолмаслигининг амалий тасдиғидир.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Бугун биз 35 йиллик тарихга таяниб, эртанги кун ҳақида ҳам жиддий ўйлашимиз керак. Олдимизда турган асосий вазифа – касаба уюшмалари нашрларини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш, рақамли муҳитдаги имкониятлардан самарали фойдаланиш, ёш аудитория билан ишлашнинг замонавий механизmlарини жорий этиш, таҳлилий ва мультимедиа контент салмоғини кенгайтиришдан иборат.

Бизга анъана ва янгиланишни уйғунлаштирадиган, ишонч ва тезкорликни бирлаштирадиган, сўз эркинлиги билан сўз масъулиятини ўртасидаги мувозанатни сақлай оладиган медиа керак.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ана шу йўлда изланмоқда. Энди бу ҳаракатларни янги давр талаблари асосида янада кучайтириш – барчамизнинг умумий вазифамиз.

Ишонаманки, бугунги конференция, учрашувлар ва фикр алмашувлар касаба уюшмалари нашрларининг келгуси тараққиёти учун янги гоғлар, янги ҳамкорликлар ва янги ташаббусларга йўл очади.

Фурсатдан фойдаланиб, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоасини, уларнинг барча фахрийлари ва бугун меҳнат қилиб келаётган ходимларини, ушбу нашрлар атрофида бирлашган минглаб ўқувчиларни, ҳамкор ташкилотлар ва барча медиа вакиллари яна бир бор самимий кутлайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат, илҳом ва муваффақият тилайман.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари халқ билан мулоқот, ҳақиқат ва адолат майдони бўлиб хизмат қилишда давом этсин. Касаба уюшмалари нашрларининг овози янада теран, сўзи янада таъсирчан бўлсин.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.
Амир Темур

НАШРЛАРИНИНГ ОВОЗИ ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

нашрлари трансформация шароитида:
илмий-амалий конференция бўлиб ўтди



ларининг фахрийлари ва хорижий меҳмонлар «Ўзбекистон касба уюшмаларининг 120 йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирландилар. Таҳририят ходимларига «Ўзбекистон касба уюшмалари лауреати», «Эҳтиром» кўкрак нишони ҳамда фахрий ёрликлар топширилди. Мукофотлар ўз эгаларига топширилгач, иштирокчилар биргаликда суратга тушди. Ахир, бу кунни, бундай дақиқаларни тарихга муҳрламай бўладими...

Куннинг иккинчи ярмида конференция «Касба уюшмалари нашрлари – ижтимоий адолатни таъминлаш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда медианинг ўрни» мавзусидаги семинар билан давом этди.

Дастлаб «Ishonch» газетасида медиа конвергенция жараёни ҳақидаги «Конвергентлашган «Ishonch» номли видеофильм намоиш этилди.

Шундан сўнг Озарбайжон вакили, Медиа ва коммуникациялар бўлими оммавий ахборот воситалари билан ишлаш сектори мутахассиси Саадат Хакиева «Касба уюшмалари нашрлари трансформация шароитида – мослашув йўналишлари», Қирғизистон касба уюшмалари Федерацияси медиа маркази раҳбари Алтынай Жумалиева «Қирғизистон касба уюшмалари медиасида конвергенциялашув», Қозоғистон касба уюшмалари Федерациясининг касба уюшмалари ахборот технологиялари маркази директори Гулмира Каракозова «Қозоғистон касба уюшмалари тизимида медиа фаолият», Хатлон вилояти касба уюшмалари кенгаширининг «Иттифоқ» газетаси бош муҳаррири Раҳмонали Давлатов «Тожикистон касба уюшмалари нашрлари ахборот жамияти тизимида», TÜRK-İŞ-ning журнал бўйича юрисконсулти Элиф Жансу Икиел «Алоқа воситаларининг хилма-хиллашуви ва касба уюшмалари нашрчилиги» каби мавзуларда ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Таҳририят ижодий ходимлари, юртимиздаги соҳа мутахассислари, профессор-ўқитувчилар эса «Касба уюшмалари нашрлари рақамлашув даврида – трансформация, ишонч ва ривожланиш стратегиялари», «Медиа-конвергенция шароитида медиамаҳсулотларни монетизация қилиш модели», Telegram, YouTube ва Instagram платформаларида медиастратегия, журналистларнинг замонавий ахборот манбалари ҳақида, медиа трансформация шароитидаpolemik мавзуларнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ўрни каби масалаларни «Ishonch» газетаси мисолида таҳлил қилиб беришди.

Анжуман доирасида «Суратларда акс этган «Ishonch» номли кўргазма ҳам ташкил этилди. Уларда акс этган тасвирлар томошабинларни ўзгача оламга етаклади: сўзлар эмас, нигоҳлар гапирди, саҳифалар эмас, лаҳзалар ҳикоя қилди...

Ушбу халқаро илмий-амалий конференция соҳа ривож, мамлакатлар ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкамланиши, ОАВда конвергентлаштиш борасидаги тажриба, ютуқ ва камчиликлар билан танишиш учун ўзига хос платформа бўлиб хизмат қилди.

Таъкидланганидек, қайси мамлакатда давлат раҳбари муайян соҳага катта эътибор қаратса, ўша соҳада албатта, ривожланиш кузатилиши, шунингдек, қайси бир ташкилот раҳбари ўз жамоаси фаолиятига бефарқ бўлмаса, у ерда ўсиш ва тараққиёт бўлади. Демак, «Ishonch» ҳам эътибор ва имкониятлардан куч олиб, янада гуллаб-яшнайд.

**Гулрухбегим ОДАШБЕКОВА,
Зебо НАМОЗОВА,
«Ishonch» мухбирлари**

**Суратлар муаллифлари:
Қувончбек ТУРАЕВ,
Эъзоза УМУРЗОҚОВА**



Хўш, замонавий журналистиканинг бугунги кўриниши қандай? Унинг талаблари қанақа? Бу саволларга жавоблар талайгина. Келинг, энг қисқа фикрни баён этамиз: рақамли технологиялар.

Ҳа, бугун оммавий ахборот воситалари фақатгина қоғозлар эмас, интернет нашрлари ҳам ўз аксини топмоқда. Бу жамият шаффоқлашганидан, аудитория кенгайётганидан, ахборот тезлиги ошганидан далолат.

Маълумки, аудитория ахборотни тез ва соф ҳолатда қабул қилишни истади. Бу, ўз навбатида, трансформациялашувни талаб этади. Айни пайтда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти фақат босма нашр миссияси билангина чекланимай, замонавий технологиялар платформаларидан фаоллик билан фойдаланмоқда. Бугун у чин маънода конвергент таҳририятга айланди.

«Ishonch» газетасининг илк сони 1991 йил 21 март кунини нашр этилган. Шу вақтдан буён унинг 5 минг 500 дан ортиқ сони муштарийлар қўлига етиб борди. Умумий адади 37 минг 500 нусхага етди. Ижтимоий тармоқлардаги аудиторияси эса 250 мингга яқинлашган. Таҳририят негизида медиамарказ ташкил этилди. Газетанинг YouTube саҳифасида 60 мингга яқин аудитория бор. Кўришлар сони ўртача 400 мингга ташкил этади. Telegram каналда 103 минг, Instagram саҳифасида 65 мингдан ортиқ обуначи бор.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси муассислигида чоп этилаётган ушбу газета ташкил топганига 35 йил тўлди. Шу муносабат билан кеча пойтахтимиздаги Chinobod Plaza санаторийсида «Касба уюшмалари нашрлари трансформация шароитида: конвергенция сари йўл» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуманда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия ва Озарбайжон давлатларининг касба уюшмалари нашрлари вакиллари, юртимиздаги илгор медиа вакиллари, жур-

налистлар, олимлар, тадқиқотчилар ўзаро тажриба алмашиб, кун тартибидagi масалалар бўйича таҳлилий фикр ва таклифларини баён этишди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида сўз ва ахборот эркинлиги, очиқлик, жамоатчилик билан мулоқот, инсон қадрини улуғлаш тамойиллари ҳаётимизнинг муҳим мезонига айланиб бораётганини, оммавий ахборот воситаларида бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгараётганини алоҳида таъкидлади.

Кайд этилганидек, мазкур анжуман ана шу янгиланишларнинг мантикий давоми бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот қотиби Шерзод Асадов тинч ва эркин, фаровон ҳаётимизнинг бунёдкор солномасини ўз саҳифаларига муҳрлаб келаётган нашр айни вақтда чинакам халқ миңбарига айланганини эътироф этди. Жамоани бугунги ютуқлар ва байрам билан кутлаб, келгуси фаолиятига зафарлар тилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусайд Кўчимов эса «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам ўз нуфузини мустаҳкамлаб бораётганини мамнуният билан баён этди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси Абдурашид Жўрабоев, Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Шухрат Ориф, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, академик Акмал Саидов, Олий Мажлис Сенати қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев, Қонунчилик палатаси қўмита раиси Гулрух Агзамова, Тожикистондаги «Иттифоқ» газетаси бош муҳаррири Раҳмонали Давлатов, «Ishonch»нинг биринчи бош муҳаррири Тўлқин Қозоқбоев ва бошқалар жамоага ижодий юксалишлар тилади. Шоир Сирожиддин Саййиднинг янги кун, янги ҳаётга бағишланган шеъри эса барчани тўлқинлантирди, тадбирга байрамонга шукӯҳ улашди.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газета-



Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Алишер Навоий

Сўз – халқаро анжуман иштирокчиларига

ДИЛДАГИ ҲАҲЛАР
ГАЗЕТА БУ КҮНЛАРГА
ОСОНЛИКЧА
ЕТИБ КЕЛМАГАН



Тўлқин ҚОЗОҚБОВ,
«Ishonch» газетасининг
биринчи бош муҳаррири:

– Нашр ўз тарихи давомида нафақат ахборот тарқатувчи, балки жамиятдаги маънавий ва ижтимоий жараёнларни чуқур англаб, уларни ёритиб келётган муҳим минбарга айланди. Айниқса, инсон қадрини улуғлаш, тарихий адолатни тиклаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни оммага етказишда муҳим ўрин эгаллади.

Газета шу даражага осонликча етиб келмаган. Бунинг ортида синовлар, қийинчиликлар ва аччиқ тажрибалар бор.

Албатта, 35 йил бу кичик муддат эмас. Бу давр мобайнида нашр ижодий жиҳатдан шаклланди, ислохотлар даврини бошдан кечирди. Муҳими, нашр оғир ва машаққатли вазиятда ҳам ўз позициясидан чекинмади. Олға юришда давом этди. Натияжада у нафақат юртимизда, балки бошқа давлатларда ҳам ном қозонди.

Яқин келажакда газетанинг нуфузи янада ошишини тилаб қоламан. Бунинг учун таҳририятнинг ижодий салоҳияти, обрў-эътибори ва таърибаси етарли. Уша қутлуг кунларни кўриш барчамизга насиб этсин.

«ISHONCH» –
ШУНЧАКИ
НОМ ЭМАС



Шоҳира ҲАМРО,
Навоий вилояти
ҳокимининг матбуот
котиби:

– Уч йил давомида Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси муассислигидаги «Ishonch» газетасида фаолият юритдим. Бу давр мен учун жуда самарали ва унутилмас хотира бўлди. Хусусан, таҳририятда медиа марказ ташкил этилгани ўша даврдаги энг муҳим қадамлардан бири эди. Бугун қараб туриб, бу ташаббус ўзини тўлиқ оқлаганини ҳис қилдим.

«Ishonch» шунчаки ном эмас. Ишонч бозорда сотилмайдиган, пул билан ўлчанмайдиган қадрият. У фақат ҳалол меҳнат, покният ва фидойилик билан қўлга киритилади.

Бугун таҳририятнинг янгиликларга очиклиги, замонавий ва креатив ёндашуви, хусусан, ishonch.uz сайти ишга туширилгани алоҳида эътиборга лойиқ. Платформа бугун фаол ривожланиб, ахборот майдонида ўз ўрнини топиб бормоқда ва у бир томонлама ёндашувдан йироқ, ҳар бир масалага жиддий ва масъулият билан қарайдиган, сифатли медиа маҳсулот яратётган манбадир.

35 йил бу шунчаки рақам эмас, балки шакланган, мустақкам гога эга, мустақил бир тизимга айланган даврдир. Ишончанки, таҳририят янада кенг қамровли ва таъсирчан медиа майдонга айланади.

«Ishonch» мухбири
Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ эъиб олди

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШДА
МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



Элвин ДАМИРЛИ,
Озарбайжон
касоба уюшмалари
конфедерациясининг
медиа ва
коммуникациялар
бўлими мудури:

– Ушбу тадбир нафақат касоба уюшмалари соҳасида, балки медиа тармоғида ҳам ҳамкорликни янада кучайтирди, деб ўйлайман. Анжуман ҳаммамизга бирдек фойдали бўлди. У юксак даражада ташкил этилган.



Нурлан ДОССУМОВ,
Қозоғистон касоба
уюшмалари
Федерацияси Рақамли
технологиялар
департаменти
директори:

– Илмий-амалий конференция минтақамиз медиа макони учун катта аҳамият касб этди. Унда жуда муҳим масалалар муҳокама қилинди. Ўзаро тажриба алмашдик, янги билимлар ортттирдик. Ўрганганларимизни ўз фаолиятимизга татиқ этамиз.



Айжан СОЛТОВА,
Қирғизистон таълим ва
фан ходимлари касоба
уюшмаси Бишкек шаҳар
қўмитаси жамоатчилик
билан алоқалар бўйича
мутахассиси:

– Бизни тадбирга таклиф этгани учун Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясидан миннатдоримиз. Ишонч билан айтаманки, нашр халқнинг кўнглидан чуқур ўрин олган. Махсус сонда мақолалар бошқа тилларда ҳам чоп этилибди. Уларни QR код орқали ўқидик. Конференция жуда мазмунли ўтди. Ундан кўп фойдали маълумотлар олдик, ўзаро тажриба алмашдик.



Сайдумрон САИДОВ,
Тожикистон Республикаси
Сўед вилояти касоба
уюшмалари кенгаши
матбуот маркази
бошлиғи:

– Анжуман юксак савияда ўтди. Жумладан, амалиётда самарали қўллаш мумкин бўлган тажрибалар билан ўртоқлашдик. Илмий маърузалар ҳам ниҳоятда аҳамиятга молик. Бундай мулоқотлар давлатларимиз, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришда муҳим омил бўлади. Насиб бўлса, бу каби конференцияларда ҳали кўп учрашамиз.



Эрдаль АРАП,
TÜRК-İŞ ташиклотининг
ижтимоий медиа
платформалари бўйича
юрисконсулти:

– «Ishonch» газетасининг 35 йиллиги муносабати билан ташкил этилган халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этганимдан жуда мамнунман. Бунинг учун Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ва жамоасига раҳмат айтаман. Конвергент таҳририят узоқ йиллар мана шундай гуллаб-яшнашини тилайман.

Сураатларда акс этган ишонч

Кўргазма

«Касоба уюшмалари нашрлари трансформация шароитида: конвергенция сари йўл» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуман доирасида «Сураатларда акс этган «Ishonch» номли кўргазма ташкил этилди. Тасвирлар томошабинларни сокин ва теран бир оламга етаклади: сўзлар эмас, нигоҳлар гапирди, саҳифалар эмас, лаҳзалар ҳикоя қилди...

Дарҳақиқат, сураатлар вақтнинг музлаган лаҳзасидир. Унда сўзсиз ҳикоялар яшайди. Улар ҳаётни пардасиз, безаксиз ёчиб беради. Биргина кадр бутун бир воқеа, инсон қалби тубидаги кечинмалар ҳақида сўзлайди.

– Сураатларимизда миллий урф-одатларимиз, қишлоқ ҳаёти, табиий, самимий инсонларни ифодалашга ҳаракат қиламан, – дейди фотожурналист Эъзола Умр.

Кўргазмадан ўрин олган ишлар нафақат бугуннинг манзараси, балки юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг жонли ифодаси ҳам бўлди. Уларда Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси фаолияти яққол кўзга ташланди. Демак, сураатлар оддий ҳужжат эмас, аксинча, бугунги ўзгаришларнинг ёрқин кўзгусидир.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»



Кўвончбек Тўраев олган сураатлар

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Акмалхўжа Холхўжаев ижросида
«КЕЛ, ЭЙ ДУНЁ!»
ҚЎШИҒИ

Сани чорлай саодатга, кел, эй дунё!
Чарогон бул-ки жаннатга, кел, эй дунё!
Қилай кўз-кўз Навоийнинг изи тушган Самарқандни,
Деворларига Аллоҳнинг сўзи тушган Самарқандни,
Келин бўлиб Бибиҳоним ўзи тушган Самарқандни,
Муборак бир зиёратга, кел, эй дунё!

MUASSIS:
O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

ISSN 2010-5009
2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birmunchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrirlar:
G'ulomjon MIRAHMEDOV
Salim ABDURAHMONOV

Musahihilar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21:00
Topshirildi – 00:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 230 ta
Shundan: 6 558 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 471 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-411**
1 2 3 4 5 6